

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди
№ БД – 5220100 – 3.16
2016 йил “9” 01



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил “22” 01

АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИ

ФАН

ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	200 000 – Ижтимоий соҳа, иктисод ва ҳуқук
Таълим соҳаси:	220 000 – Журналистика ва ахборот
Таълим йўналиши:	5220100 – Журналистика (халқаро журналистика)

ТОШКЕНТ – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиде ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Қосимова Н. – ЎзДЖТУ, “Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация” кафедраси мудири, ф.ф.н., доцент

Дадахонов А. – ЎзДЖТУ, “Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация” кафедраси катта ўқитувчиси

Тақризчилар:

Маматова Ё. – ЎзМУ журналистика факультети матбуот кафедрасининг мудири, ф.ф.д., доцент

Мадатов Э. – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар матбуот хизмати бош мутахассиси

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4- сонли баённома).

КИРИШ

“Ахборот хизматлари фаолияти” фани турли ташкилотларнинг ахборот хизматларининг пайдо бўлиши, ривожланиши, тамойиллари, шакллари, функциялари, ташкилот тараққиётида тутган ўрни, уни ташкил этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари, ахборот хизматининг иш услублари, уларнинг жамоатчилик ва ОАВ билан самарали ҳамкорлиги, оғзаки ва ёзма ахборот материалларини тайёрлаш ва узатиш технологиялари, уларнинг аудиторияга таъсири жараёнларини ўрганади.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад – ахборот хизматларининг ахборот тарқатиш, интегротив, маънавий-маърифий, ташкилотчилик вазифаларига мос билим, кўникма ва малакани шакиллантириш.

Фаннинг вазифаси талабаларга ахборот хизматларининг махсус фан сифатидаги хусусиятларини, унинг ташкилотлар фаолиятидаги ўрни ва имкониятларини ўрганиш, хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистонда турли ташкилотлар қошида иш олиб бораётган ахборот хизматлари фаолиятининг амалиётини назарий жиҳатлар билан қиёсий ўрганган ҳолда келгусида мазкур соҳа тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ғоясини шакллантириш.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Ахборот хизматлари фаолияти” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- ахборот хизматининг назарий ва амалий асослари фанининг вазифалари, мақсади;
- ахборот хизмати тушунчаси;
- ахборот хизматларини ташкил этишнинг ҳуқуқий меъёрлари;
- ахборот хизматлари фаолиятининг таркиби қисмлари;
- ахборот хизматлари ва жамоатчилик билан алоқаларнинг ўзаро боғлиқлиги;
- ахборот хизматлари фаолиятининг функциялари;
- ахборот хизматлари ва ОАВ ҳамкорлиги;
- фуқаролар ва ОАВ билан алоқаларни режалаштириш турлари;
- давлат органлари тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш шакллари;
- ахборот хизмати аудиторияси ва унинг турлари;
- ОАВ ва жамоатчилик учун тадбирлар ташкил этиш;
- ахборот хизмати ходимлари фаолиятининг ахлоқий жиҳатлари;
- сайтлар таснифи ва ахборот хизматлари фаолиятининг у билан боғлиқ хусусиятлари;
- сайтнинг контенти ва дизайни;
- сайтига жойлаштириш учун маълумотларни ажратиб олиш;
- ижтимоий тармоқларда ахборот хизматларининг саҳифасини очиш;

- ижтимоий тармоқлардаги ахборот хизматлари саҳифаларида инфографиканинг ўрни;

- интернетнинг ахборот хизматларини ривожлантиришдаги ўрни **ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак;**

- ахборот хизматлари фаолиятининг таркибий қисмларини;
- ахборот хизматлари фаолиятининг функцияларини;
- ахборот хизматлари ва оав ҳамкорлиги механизмини;
- фуқаролар ва оав билан алоқаларни режалаштириш турлари ва шаклларини;
- ахборот хизмати аудиторияси ва унинг турларини;
- ОАВ ва жамоатчилик учун тадбирлар ташкил этиш: медиакит тайёрлаш, матбуот анжумани, медиатур, брифинг, давра суҳбатлари, ахборот учрашувларини ўтказишни;

- ахборот хизматлари фаолиятида интернетдан фойдаланишнинг халқаро тажрибаси ва Ўзбекистонда интернет ривожининг ҳуқуқий асосини;
- сайтларнинг турлари ва уларнинг ва ахборот хизматлари фаолиятидаги ўрнини;
- ижтимоий тармоқларда ахборот хизматлари фаолиятини илгари суришни;
- блог тушунчаси ва уни юритишнинг қоидаларини;
- интернетда ахборотнинг маънавий ва техник хавфсизлиги моҳиятини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- ахборот хизмати фаолиятини чуқур билиши ва таҳлил қила олиши;
- ташкилотнинг ахборот сиёсати моҳиятини англаш ва ахборот тарқатишнинг ҳуқуқий талабларига амал қилиш;
- ахборот хизматининг ОАВ, журналистлар билан самарали ҳамкорлигини амалга ошириш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш;
- ахборот хизмати технологияларини амалда қўллай олиш;
- ахборот хизматларининг интернет тармоғидаги фаолиятинини чуқур билиши ва таҳлил қила олиши;
- ахборот хизмати сайти контентини тўлдириш талабларини амалда қўллай олиш;
- ахборот хизматининг ОАВ, журналистлар билан самарали ҳамкорлиги механизмларини яхши билиши;

- блог юритиш технологияларини амалда қўллай олиш **қўникмаларига эга бўлиши керак.**

- ташкилотнинг ахборот сиёсати моҳиятини англаш ва ахборот тарқатишнинг ҳуқуқий талабларига амал қилиш;

- ахборот хизматининг ОАВ, журналистлар билан самарали ҳамкорлигини амалга ошириш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш;
- ахборот хизмати технологияларини амалда қўллай олиш;
- ахборот хизматларининг интернет тармоғидаги фаолиятини чуқур билиши ва таҳлил қила олиши;
- ахборот хизмати сайти контентини тўлдириш талабларини амалда қўллай олиш **малакаларига эга бўлиши керак.**

Фаннинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Ахборот хизматлари фаолияти” фани асосий умумқасбий фани ҳисобланади.

Ушбу фан ўқув режасидаги журналистиканинг назарий, амалий ва тарихий йўналишдаги барча фанлари билан бевосита алоқадор. Хусусан, жаҳон журналистикаси асослари, замонавий хорижий ОАВ фанлари билан чамбарчас боғлиқдир. Фандаги ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиб берилади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

“Ахборот хизматлари фаолияти” фани ахборот хизматини ташкил этишнинг методологик асосларини тақдим этиш, давлат ва нодавлат ташкилотларининг жамоатчилик билан алоқаларни самарали ташкил қилиш ва амалга оширишнинг замонавий усуллари ҳамда воситаларини тўлақонли ўрганиш имконини беради. Бу талабаларга ахборот хизматлари, жойлардаги давлат органлари бошқаруви ва маҳаллий ҳокимликларнинг фаолияти ҳақидаги ахборотлар билан танишиш имкониятларининг кенгайтишига хизмат қилади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг “Ахборот хизматлари фаолияти” курсини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион - педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон манбалар, виртуал стендлар, дарс мазмунли ва фойдали бўлиши учун аудио ва видеотехникадан, интернетдан фойдаланилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

Кириш. “Ахборот хизматлари фаолияти” фанининг объекти, предмети, мақсад ва вазифалари. Замонавий ахборот хизматлари

“Ахборот хизматлари фаолияти” фанининг ўрганиш объекти, предмети, мақсад ва, вазифалари.

“Ахборот хизмати” тушунчасига умумий тавсиф. Ахборот хизматларининг турлари. Давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ахборот хизматлари.

Ижроия ҳокимият органлари ахборот хизматлари ишининг ўзига хос хусусиятлари. Ҳокимлик ижроия органлари ахборот хизмати ва матбуот хизмати ўртасидаги фарқ. Ҳокимлик ижроия органлари ахборот хизматлари ишининг ўзига хос хусусиятлари. Давлат органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотни олиш.

Нодавлат ноижорат ташкилотларнинг имижини шакллантиришда ахборот хизматининг ўрни

Ахборот хизмати: мақсади, функциялари ва тузилмаси

Ахборот хизматининг асосий мақсад, вазифа ва функциялари. Ахборот хизмати фаолиятининг ички йўналиши. Фаолиятнинг ташқи йўналиши. Ахборот хизматининг бош мақсади. Ахборот хизматининг вазифа ва функциялари

Ахборот хизмати тузилмаси ва кадрлар масаласи. Туман, шаҳар ва вилоят ахборот хизматининг ташкилий тузилмаси. Бўлғуси ахборот хизмати ходимларига талаблар. Ахборот хизмати раҳбари. Ахборот хизмати раҳбарининг асосий лавозим мажбуриятлари

Ахборот хизмати ходимининг иш жойи. Ахборот хизматининг ташрифчилар учун очиқлиги. Техник жиҳозлаш. Ахборот хизматида иш юритиш

Ахборот хизматларининг жамоатчилик билан алоқалари

Ташкилот тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш шакллари. Ахборот турлари ва шаклларининг таснифи. Ахборот хизмати томонидан ҳокимликнинг фаолияти тўғрисида тарқатиладиган ахборот турлари. Очиқ ахборот турлари рўйхати. Ҳокимилик ичида ахборот олиш усуллари. Ахборот олишни ички ва ташқи мувофиқлаштириш мисоллари

Аудитория турлари. Аҳоли ахборот хизматининг асосий мақсадли аудиторияси сифатида.

Ахборот хизматлари ва ОАВ ҳамкорлиги. Журналистлар билан самарали мулоқот ўрнатиш масалалари

Коммуникация каналлари. Коммуникация каналлари тушунчаси ва турлари. Ахборот хизматининг жамоатчилик билан алоқаси тузилмаси.

ОАВ ва журналистлар бош аудитория сифатида. Ахборот хизматлари ОАВга мурожаат қилишининг асосий усуллари. Медиа-карта ОАВ билан ишни самарали ташкил қилиш инструменти сифатида. Ахборот хизмати ва журналист фаолияти ўртасидаги фарқ. Давлат хизматчилари билан ҳамкорлик.

Ахборот хизмати журналистлар билан ишлашида аккредитациянинг роли. Журналистлар аккредитациясининг ҳуқуқий асослари. Аккредитация учун талабномани расмийлаштириш тартиби. Аккредитация турлари.

Фуқаролар ва ОАВ билан алоқаларни режалаштириш турлари

Иш вақтини ташкил қилиш. “Иш вақти” тушунчаси. Иш куни режасини тузиш қоидалари. Ахборот хизмати ходимларининг кун тартиби.

Медиарежалаштириш ва унинг таркибий қисмлари. Медиарежани тузиш қоидалари. Медиарежалаштириш жараёни тақибий қисмлари. Медиарежалаштириш мисоли. Ахборот хизмати йиллик режаси. Жамоатчилик билан ишлаш режаси. Тадбирларни ёритишга тайёргарлик. Кадрлар захирасини ташкил қилиш режаси

Ахборот хизмати ходимлари фаолиятининг ахлоқий жиҳатлари

Ахлоқ таърифи қадриятлар тизими сифатида. Ахборот хизмати ходимининг ахлоқий қоидалари. Ахборот хизматлари фаолиятининг асосий тамойиллари: объективлик, очиқлик, долзарблик, тезкорлик, ижтимоий мўлжалланганлик тамойиллари ва уларнинг талқинлари.

ОАВ ва жамоатчилик учун тадбирлар ташкил қилиш

Тадбирлар турлари: матбуот анжумани, матбуот брифинги, давра суҳбати, пресс-тур. Жамоатчилик ва ОАВ учун мўлжалланган тадбирларнинг қисқа тавсифи. Ахборот

учрашувини режалаштириш ва ўтказиш чизмалари. Пресс-турни тайёрлаш босқичлари. Пресс-тур дастури мисоли

Жамоатчилик олдида чиқишлар технологияси

Чиқишнинг асосий мақсадини аниқлаш. Аудитория тўғрисида маълумот йиғиш ва унинг таҳлили. Чиқиш нутқини тайёрлаш. Чиқиш натижасини мустаҳкамлаш.

Аудитория ва журналистлар олдида нутқ сўзлаш санъати. Нотикликнинг психологик жиҳатлари. Аудитория олдида нутқ сўзлашда ахборот хизмати ходимларининг ўзаро вазифаларни тақсимлаши ва бунинг аҳамияти.

Матбуот анжуманини ташкил этиш ва ўтказиш қоидалари

Матбуот анжумани ва унинг мақсад-вазифалари. Матбуот анжумани ўтказиш шартлари.

Матбуот анжуманига қадам-бақадам тайёргарлик. Матбуот анжуманида амалга оширилиши керак бўлган ишлар ва вазифаларни режалаштириш. Матбуот анжуманини ўтказишда йўл кўйиладиган хатолар.

Ахборот хизматлари томонидан тайёрланувчи ахборот материаллари

Ахборот материаллари турларининг қисқача тавсифи ва таснифи.

Ёзма ахборот матнлари. Пресс-релиз. Таклифнома. Бэкграундер. Баёнот. Байлайнер. Имиджга оид мақола. Пресс-кит. Пресс-кит турлари ва уларни тайёрлашнинг замонавий технологиялари.

Оғзаки ахборот матнлари. Маъруза. Нутқ. Спичрайтер матни ва унинг тавсифи. Омма олдида чиқишга тайёрланиш ва унинг ёзилиши. Омма олдида оғзаки чиқишни тайёрлаш.

Ахборот матнлари тайёрлаш ва оммага етказишнинг самарали усуллари ва технологиялари.

Пресс-релиз

Пресс-релиз турлари, мақсадлари. Пресс-релиз-хабар. Пресс-релиз-анонс. Таҳлилий пресс-релиз. News-релиз. Пресс-релизларнинг тузилиш шакли бўйича таснифи.

Пресс-релиз тузилмаси. Пресс-релизни ёзиш қоидалари. Нотўғри пресс-релиз мисоли. Тўғри пресс-релиз мисоли. Пресс-релизни яратиш ва безаш. Фото-суратларни жойлаштириш қоидалари

Ахборот хизмати фаолиятида интернет-ресурслардан фойдаланиш

Ахборот хизматлари ва ташкилотларининг аҳоли билан портал орқали ҳамкорлиги афзалликлари.

Давлат органи томонидан расмий сайт орқали кўрсатиладиган асосий ахборот хизматлари рўйхати.

Сайт учун маълумот тайёрлаш. Сайтдаги фотосуратлар, уларнинг ўзига хослиги ва долзарблиги. Сарлавҳалар устида ишлаш. Ахборот хизмати ходимларига сайтдан фойдаланиши бўйича маслаҳатлар. Расмий сайтнинг ижтимоий тармоқларда тарқалиши. SEO-оптималлаштириш. SMO- кўллаб-қувватлаш. Ҳар куни янгилашиб борадиган веб-сайтнинг афзалликлари. Веб-сайтга кўйиладиган асосий талаблар.

Ижтимоий тармоқларда ишлаш. Оммалашган ижтимоий тармоқларнинг мисоллари. Ижтимоий тармоқларда ишлашнинг асосий қоидалари. Блоггинг. Ҳокимлик блогини очиш учун ижтимоий тармоқни аниқлаш йўллари. Блогларда фотосурат ва видеотасвирни жойлаштириш қоидалари

Амалий машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларида талабалар “Ахборот хизматлари” фанининг назарий, ҳуқуқий ва ахлоқий асосларини ўрганадилар, ахборот хизматларида оғзаки ва ёзма ахборот хизмати фаолиятига дахлдор ахборот матнлари, жумладан пресс-релиз, таклифнома, бэкграундер, баёнот, байлайнер, имиджга оид мақола, пресс-кит, маъруза, нутқ, спичрайтер кабилар матнини тайёрлаш, ОАВ каналлари учун реклама матн ва роликлари тайёрлаш, уларни ОАВ саҳифалари ва кундалик эфирларига жойлаштириш маҳоратини ўзлаштирадилар.

Амалий машғулотларнинг тавсия этиладиган тахминий мавзулари

Кириш. “Ахборот хизматлари фаолияти” фанининг объекти, предмети, мақсад ва вазифалари.

Замонавий ахборот хизматлари

Ахборот хизматининг мақсади ва функциялари

Ахборот хизмати тузилмаси ва кадрлар масаласи.

Ахборот хизматларининг жамоатчилик билан алоқалари

Ахборот хизматлари ва ОАВ ҳамкорлиги. Журналистлар билан самарали ҳамкорлик қилиш масалалари

Фуқаролар ва ОАВ билан алоқаларни режалаштириш турлари

Ахборот хизмати ходимлари фаолиятининг ахлоқий жиҳатлари

ОАВ ва жамоатчилик учун тадбирлар ташкил қилиш

Жамоатчилик олдида чиқишлар технологияси

Матбуот анжуманини ташкил этиш ва ўтказиш қоидалари

Ахборот хизматлари томонидан тайёрланувчи ахборот материаллари

Ахборот матнлари тайёрлаш ва оммага етказишнинг самарали усуллари ва технологиялари

Пресс-релиз

Пресс-кит ва унинг турлари

Ахборот хизмати фаолиятида интернет-ресурслардан фойдаланиш

Ахборот хизматларида сайт учун маълумот тайёрлаш.

Ахборот хизматлари фаолиятида ижтимоий тармоқларда ишлаш ва блоглар ташкил этиш масалалари

Амалий машғулотларини ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар ечиш орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустақамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий

мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича кўргазмали қурооллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар
Фан бўйича лаборатория ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар
Фан бўйича курс ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

“Ахборот хизматлари фаолияти” фанини ўрганувчи талабалар аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш ва келгусида уларни амалиётда қўллаш учун мустақил таълим тизимига асосланиб кафедра ўқитувчилари раҳбарлигида мустақил иш бажарадилар. Бунда улар кўшимча адабиётларни ўрганиб ҳамда интернет сайтларидан фойдаланиб реферат ва илмий маърузалар тайёрлайдилар, амалий ва семинар машғулотлари мавзусига доир уй вазифаларини бажарадилар, кўргазмали қурооллар ва слайдлар тайёрлайдилар.

Талаба мустақил ишни тайёрлашда фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалари бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлардан фанга оид бўлимлар ва мавзулар устида ишлаш;
- янги техникалар, компьютер дастурлари ва технологияларини ўрганиш;
- талабанинг ўқув-илмий тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фан бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиши;
- фаол ва муаммоли ўқитиш усулларида фойдаланиладиган ўқув машғулотлари;
- масофавий (дистанцион) таълим.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

1. Давлат ижроия органлари ахборот хизмати ва матбуот хизмати ўртасидаги фарқ.
2. Давлат ижроия органлари ахборот хизматлари ишининг ўзига хос хусусиятлари
3. Ахборот хизматларининг журналистлар билан алоқалар ўрнатишининг умумий қоидалари
4. Давлат органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотни олиш
5. Ҳокимлик ахборот хизматлари фаолиятининг асосий тамойиллари
6. Ахборот хизматининг асосий мақсад, вазифа ва функциялари
7. Ахборот хизмати тузилмаси ва кадрлар масаласи
8. Ахборот хизмати ходимининг иш жойи
9. Ахборот хизмати ходимлари фаолиятининг ахлоқий жиҳатлари
10. Давлат органлари тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш шакллари
11. Аҳоли ахборот хизматининг асосий мақсадли аудиторияси сифатида
12. ОАВ ва журналистлар бош аудитория сифатида

13. Ахборот хизматлари ОАВга мурожаат қилишининг асосий усуллари
14. Медиа-карта ОАВ билан ишни самарали ташкил қилиш инструменти сифатида
15. Ахборот хизмати ва журналист фаолияти ўртасидаги фарқ
16. Ахборот хизматининг жамоатчилик билан алоқаси тузилмаси
17. Ахборот хизмати журналистлар билан ишлашида аккредитациянинг роли
18. Ахборот хизмати ходимларининг кун тартиби
19. Медиарежалаштириш ва унинг таркибий қисмлари
20. ОАВ учун тадбирлар ташкил этиш (матбуот анжумани, матбуот брифинги, давра суҳбати, пресс-тур)
21. Жамоатчилик олдидан чиқишлар технологияси
22. Ахборот хизматлари ходимлари томонидан тадбирларда тарқатиладиган ахборот материали
23. Матбуот анжуманини ташкил қилиш ва ўтказиш қоидалари
24. Ахборот хизматлари фаолиятида интернетдан фойдаланиш

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида:

- “Ахборот хизматлари фаолияти” фанига тегишли маъруза дарсларида ўқув электрон мажмуадан;
- амалий машғулотларда таълим технологиялардан;
- Ўзбекистон Республикасида ахборот хизматлари фаолиятига оид дарс машғулотларида таълимнинг бошқа методларидан фойдаланиш назарда тутилган.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Қосимова Н. ва бошқ. Ахборот хизматлари учун амалий қўлланма: Жамоатчилик билан самарали мулоқот. -Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2013 й.
2. Косимова Н. и др. Эффективная коммуникация с общественностью: практическое пособие для информационных служб. -Т.: ПРООН, 2012 г.
3. Ўсаров О., Сайдуллаева Д. Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг жамоатчилик билан алоқалари. -Т.: «Юрист-медиа маркази» нашриёти. 2014 й.
4. Нуриллаев Д., Хусанов М. Матбуот хизматлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўлланма. -Т.: «Адолат», 2006 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Моисеев В.А. Паблик рилейшнз: теория и практика, К.: ВИРА, 1999.
2. Муминов Ф. Паблик рилейшнз: история и теория. Т.: «Ижод дунёси», 2004.
3. Почепцов Г. Паблик рилейшнз для профессионалов. М.: «Рефл-Бук», 2000.
4. Блэк С. Введение в паблик рилейшнз. Ростов-на-Дону, 1998.
5. Блэк С. PR: Международная практика. М.: «Довган», 1997.
6. Н.Қосимова, Ф.Раҳимова. Нодавлат нотижорат ташкилотлар имижини шакллантириш: назария ва амалиёт. Ўқув-амалий қўлланма. -Т., Журналистларни қайта тайёрлаш маркази. 2015

Интернет сайтлари

1. vitaweb.jino-net.ru
2. www.journalism.ru
3. www.mediasprut.ru/public/internet
4. www.citforum.ru
5. www.case.nnov.ru
6. www.hi-edu.ru
7. www.opennet.ru
8. www.telemultimedia.ru

